

Юридик шахслар ва юридик шахе мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорларга телефон алокаси хизматларини кўрсатиш
бўйича ШАРТНОМА 26634.

Шахрисабз . ш

2022 йил «10» 01.

«Узбектелеком» АКнинг Кашкадарё филиали номидан бундан бўён «Оператор» деб аталувчи,
Кашкадарё филиали Шахрисабз Телекоммуникация боғламаси

(операторнинг номланиши)

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

(лицензия берган ташкилотнинг номи)

томонидан берилган лицензия ва низом асосида фаолият кўрсатувчи

Шахрисабз Телекоммуникация боғламаси бошлиғи А.П.Зайнитдинов

(раҳбарнинг мансаби, исм-фамилияси)

тимсолида бир томондан,

Юридик шахе.

Бюджетдан маблаг оловчи ташкилот номи, Шахрисабз тумон 2-сон ўзинч

Манзили, шахрисабз тумон ўзинч

Рахбар, Ф.И.Ш. К. портфель

бундан кейин «Абонент» деб номланувчи иккинчи томондан қуидаги шартномани шу хақда туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор телефон алокасининг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонент эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, хамда хизматлар учун хак тўлаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси - бюджет

1.2. Абонент 2022 йилда бюджетдан маблаг оловчи ташкилотига курсатилган алоқа хизматлари учун қуидаги график асосида хак тушашни уз зиласига олади Жумладан:

Шартноманинг тузилган вактидаги умумий
йиллик баҳоси 60000 (оддессан
жони)
сумни ташкил этади

2022 й жами	I - чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
	Январ	февраль	март	апрел	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
сумма	<u>60000</u>	<u>10000</u>	<u>10000</u>	<u>10000</u>								

1.3. Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узгаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат оловчи ва хизмат хакини туловчилар томонидан узаро келишилган холда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга хаклидирлар.

2. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Операторнинг мажбуриятлари:

2.1.1. Белгиланган сифат даражасида телефон алокаси хизматларини ўз вактида кўрсатиш.

2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, ахоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг узгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари хакида хабар бериш.

2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар узгарганлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон килиш.

2.1.4. Абонентнинг айбисиз телефон алокаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушган вактдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини кайта хисоблаб чикиш. Кайта хисоб-китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан эътиборан соат 00.00дан бошлаб тўлиқ суткалар учун амалга оширилади. Техник сабабларга кўра абонент ракамининг узгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум килиш. Ўрнатилган тартибда маҳаллий телефон сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни кўшимча тўлов эвазига Абонентга бериш.

2.1.5. Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, ведеотекс ва ҳоказолар)нинг охирги ускуналарини шартномага кўшимча киритган холда (8-бўлимга биноан) рўйхатдан ўтказиш.

2.1.6. Оператор, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармокларида телефон алокаси хизматларини кўрсатиш коидалари»да белгилаб берилган бошка бир катор мажбуриятларга хам эга (бундан кейин матнда «Коидалар»).

2.1.7. Оператор курсатилган хизматлар хисоб-варак фактураларини хар ойда бюджет ташкилотига такдим этиб бориш мажбуриятини олади.

2.2. Операторнинг хукуклари:

2.2.1. Янги телефон станциялари ишга тушиши ва телефон тармоклари реконструкция килиниши муносабати билан амалдаги «Коидалар»га мувофик Абонентнинг рухсатисиз, аммо унга ўз вактида хабар берган холда, телефон ракамини бепул ўзгартириб кўйиш.

2.2.2. Оператор абонент линияларига тегишли сертификати бўлмаган ускуналар (телефон аппаратлари, телематик хизмат ускуналари, ахборот узатгичлар, радиотелефонлар, радиоузайтиргич, ПК, АОН ва бошкалар)ни ўчиритиришни операторнинг техник комиссияси томонидан далолатнома тузилгандан сўнг Абонентдан талаб килиш.

2.2.3. Куйидаги холларда абонент ускунасини телефон тармогига уланишини тўхтатиш:

- маҳаллий, шахарлараро ва халкаро телефон алокаси учун 4.6., 4.6.1.-бандларга асосан алоқа хизматлари тўловлари тўланмагандан (бунда телефон алокасини узиш хакида абонент камида 3 кун олдин телефон билан огоҳлантирилиши зарур);

- абонент томонидан охирги курилмаларни ишлатиш коидалари бузилгандан ва бунинг натижасида оператор коммутацион ускуналарининг нормал ишлашига халакит берган холларда;

- 3.1.7.-банд бузилгандан, оператор техник комиссиясининг далолатномаси тузилиб, бузилишлар бартараф этилгунга кадар.

Шартномани кайта тиклаш ва охирги курилмаларни улаш белгиланган тартибда, камчиликлар тузатиб бўлингандан сўнг ва Абонент томонидан маҳаллий, шахарлараро, халкаро телефон алокасининг телекоммуникациялар хизматлари учун хак тўлангандан кейин амалга оширилади(алоқа хизматларидан фойдаланиш тўхтатиб кўйилган муддат хам киради).

2.2.4. Агар Абонент хисоб-китоб давридан кейин 2 ой давомида телефон алоқаси хизматлари учун тўловни амалга оширмаса ёки 3.1.7.-бандларни бузишга йўл кўйса, ушбу шартнома бир томонлама бекор килинади.

2.2.5. Оператор «Коидалар»да белгилаб берилган бошка бир катор хукукларга хам эга.

3. АБОНЕНТНИНГ ХУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ҳар чоракда камида 1 марта Оператор билан ўзаро хисоб-китобларни аниглаш максадида солишириш далолатномаси тузиш.

3.2. Оператор хисобидаги ёки у томонидан таъмирланадиган Абонент фойдаланиладиган уй телефон симлари ва бошка ускуналарни ишга ярокли ҳолатда саклаш. Абонентга тегишли бўлган ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникация воситаларининг техник меъёрларга мувофик бўлишини таъминлаш.

3.3. Алоқа бузилишлари хакида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига ўз вактида хабар бериш.

3.4. Корхонанинг номи, реквизитлари ўзгарганда, хонани ижарага бериш бўйича, бир ой муддат ичидаги ёзма равишида, санасини кўрсатган холда Операторга хабар килиш ва амалдаги тарифлар бўйича тўловлар эвазига шарномани кайта расмийлаштириш ёки уни бекор килиш. Ижарага муддати тугаши билан ёки ижарага бериш бўйича шартнома бекор килинадиган бўлса, телефон алокаси хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчи бепул кайта расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижарага шартномасини бекор кила туриб, ижарага олувчининг Оператор олдидағи карзларини узишини назорат килади ва карзлар мавжуд бўлган такдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлиб хисобланади.

3.5. Абонентнинг алоқа «Коидалар»ини кай даражада бажараётганини ёки абонент буюртмасига асосан таъмирлаш учун келган Оператор ходимини (агар у расми ёпиширилган, корхона мухри босилган, амал килиш муддати кўрсатилган гувохномага эга бўлса) бинога киришга рухсат этиш. Бунда Оператор ходимида бажариладиган ишлар наряди хам бўлиши зарур.

3.6. Абонент ускунасидан пуллик хизмат кўрсатиш учун таксофон сифатида, Интернетга кириш ва хоказо мақсадларда фойдаланишга йўл кўйилмайди. Оператор томонидан ажратилган телефон ракамларидан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш «Коидалар»га белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу банд бузилган такдирда Оператор Абонентнинг телекоммуникация тармогига киришини оператор техник комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, камчиликлар бартараф этилгунга кадар тўхтатиб кўйиш хукукига эга. Абонент томонидан мазкур ҳолатлар тақрорланганда шартнома бир томонлама бекор килинади.

3.7. Факат сертификатланган телефон аппаратлари ва бошка ускуналардан абонент ускунаси сифатида фойдаланиш. Мувофиклик сертификати бўлмаган, телефон ракамини автоматик аниглаш ускунаси(АОН)дан фойдаланмаслиқ.

3.8. Абонент телефонларидан ва бошка охирги курилмаларидан амалга оширилган маҳаллий, шахарлараро, халкаро телефон сўзлашувлари учун тўловларни тўлиқ 4.3 – бандга асосан амалга ошириш.

3.9. Абонентлик курилмасини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва параллел телефон аппаратлари ёки бошка радио алокаси, телематик хизматлар ва ахборот узатгичларига улаш таъкидланади. Бу курилмаларни улаш операторга маълум килиниб, мувофиклик сертификатига эга бўлгач амалга оширилади. Агар, Абонент томонидан ўзбошимчалик билан абонент линиясига уланган курилманинг уланиш вактини аниглаш имконияти бўлмаса, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан хисоблаб ундирилади.

Радиотелефонлар ва бошка радиоэлектрон воситалар (10 мВт қувватли симсиз телефонлар бундан мустасно) абонент курилмаси сифатида уланган такдирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги ёки унинг ваколатли органидан бу курилмалардан фойдаланишга рухсатнома олиниши зарур.

3.10. Телекоммуникация тармоклари иш сифатини пасаайтиришга ёки уларни шикастланишига каратилган хатти-харакатларга йўл кўйилмаслиги зарур.

3.11. Абонент «Коидалар»да белгилаб берилган бошка бир катор мажбуриятларга хам эга.

3.12. Абонент курсатилган хизматлар хакини тулаш учун «Туловчига» хар ойда хисоб-варак фактуралар нусхасини етказиб боради.

3.13. Абонент факатгина харажатлар сметасида алока хизматлари учун 2022 йилда ажратилган маблаглар доирасида шартноманинг 1.2 бандида курсатилган (бюджет хисобидан) туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3.14. Абонент томонидан бюджетдан маблаг олувчига кўрсатиладиган телефон алокаси хизматларига конунчилик асосида белгилаб бериладиган Узбекистон Республикасида амалдаги тарифлар бўйича хак тўланади.

3.15. Телекоммуникация хизматлари учун тўловлар, накд пулсиз бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида кузда тутилган маблаглар доирасидан чикмаган холда мазкур шартноманинг 1.2. бандидаги бюджет хисобидан туланадиган каторида курсатилган сумма асосида хар чоракнинг учдан бир кисми доирасида ойма –ой туловни амалга оширади.

4. ХИЗМАТЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ

4.1. Абонент смета харажати маблаглари доирасида шартноманинг 1.2 бандига биноан хар ойнинг 15-санасигача жорий ой учун олдиндан 100% тулов топширикномасига асосан хизмат хакини тулайди, сметада ажратилган маблаглардан ортиқча курсатилган хизмат учун бюджет ташкилоти узининг маҳсус хисоб-ракамидан туланиши уз зиласига олади.

4.2. Махаллий, шахарлараро ва халкаро телефон алокаси учун тўловлар:

- олдиндан тўлов (бунак) йўли билан амалга оширилади.

4.3. Олдиндан бунак тарикасидаги тўловлар камида 1 ой олдин, лекин 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун амалга оширилиши мумкин.

4.4. Телефон алокаси хизматлари учун олдиндан тўланган бунак суммаси операторнинг биллинг тизими томонидан куйидаги кетма-кетлиқда таксимланиб тўланади:

- абонентлик тўлови ва кўшимча хизмат турлари;
- хисоблагичлар;
- шахарлараро ва халкаро сўзлашувлар.

Ушбу бандда кўрсатилган хизматларга тарифлар ошган тақдирда, улар бўйича хисоб-китоблар бунак суммаси тугагунга кадар амалда бўлган аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади. (Агар бу хизматлар бўйича тўловлар универсал хизматларга тарифларнинг ўзгариши тўғрисида эълон берилишидан олдин амалга оширилган бўлса).

4.5. Махаллий сўзлашувлар (вактбай асосида тўлов тизими жорий этилганда), шахарлараро ва халкаро телефон алокасидан фойдаланганлиги учун тўлов хисоб варагига асосан (ахборот узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланилганлиги учун тўловлар хам шунга киради), хисоб варагига кўрсатилган санадан бошлаб 3 банк куни ичдида амалга оширилади.

4.5.1. Хисоб-китоб килинган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача абонент «Оператор»нинг абонентлар бўлимига кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун хисоб-варак фактурасини олиш учун келиши керак, кўрсатилган муддатда келмаган тақдирда телефон ўрнатилган тартибда ўчириб кўйилади.

4.5.2. Абонент хохишига кўра оператор шахарлараро ва халкаро сўзлашувлар бўйича маълумот (расшифровка)ни электрон вариант(файл холати)да бериши мумкин.

4.5.3. Абонент шахарлараро ва халкаро сўзлашувлар бўйича маълумотни тақорий сўраган холларда ундан кўшимча равишда 300 сўм, агар электрон вариант(файл холати)да бўлса 100 сўм (хар бир компьютер вараги учун) олинади. Мазкур тўловлар алока хизматлари тарифлари ўзгарганида кайта кўриб чиқилади.

4.6. Белгиланган муддатда алока хизматлари тўловлари тўланмаса, телефон ўчириб кўйилади, бунда оператор шартномани бекор килиш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунларига мувофик қарзларни ундириб олиш хукукига эга.

Агар Абонент хисоб-китоб давридан кейинги 2 ой давомида телекоммуникация хизматлари учун, шу жумладан, телефон ўчириб кўйилган вакт учун қарзларни тўламаса, Оператор «Абонент» билан келишилган холда шартномани бекор килиш ва қарзларни ўрнатилган тартибда ундириб олиш хукукига эга. Қайтадан телефон ёки бошка охирги курилмани ўрнатиш ариза берилиб тегишли тўловлар амалга оширилгач амалга оширилади.

4.7. Агар абонент тўланиши лозим бўлган пул микдорига, сўзлашув вакти ва бу сўзлашув унинг телефонига тегишли эканлигига норози бўлса, у хисоб варагини олгандан сўнг 30 кун давомида раддия ёзиши мумкин. 30 кундан сўнг эътиrozлар кабул килинмайди. Текширув натижалари Абонентни каноатлантирумаса судга мурожаат килиши мумкин .

4.8. Ушбу шартноманинг 4.8-банди бўйича текширув ўтказилаётганда телефон шахарлараро ва халкаро сўзлашувларга чиқиши коди(8)сиз ишлатиб кўйилади.

4.9. Ҳар ойнинг 1-чи куни холатида дебитор қарздорлик мавжуд бўлса, «Оператор» қарздорлик суммасининг 0,1% микдорида тўловнинг ҳар бир кечикирилган куни учун, бу қарздорлик тўлиқ ундириб олингунча кадар пеня хисоблайди.

4.10. Абонентнинг айби билан телефон ёки бошка охирги курилма ишламаган пайтда улардан фойдаланиш бўйича абонент тўловлари тўлиқ микдорда ундириб олинади.

4.11. Халкаро ва шахарлараро автоматик телефон алокасидан фойдаланилганда, тўланиши лозим бўлган сўзлашув вакти сўзлашув бошланган вактдан хисобга олинади. Телефонга уланган бирор бир техник ускуна (факс, автоматик жавоб берувчи, ракамни аникловчи ва ҳоказолар) билан сўзлашув амалга оширилганда тўланиши лозим бўлган сўзлашув вакти ана шу ускуналар ишга тушган пайтдан бошлаб хисобга олинади.

5 НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1 Низоларни ҳал этиш чоғида томонлар ўзаро келишувга биноан иш тутадилар.

5.2 Томонлар ўзаро келиша олмаган ҳолларда, низолар Иктиносий судида ҳал этилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Мазкур шартномада кузда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишида бажармаслик холида Тарафлар Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик жавобгарликка тортилади.

7. Шартноманинг амал килиш муддати

7.1. Мазкур шартнома 10 01 2022 йилдан 31. 02 2022 йилгача амалда булади.

7.2. Шартнома тарафлар имзолаб уз муҳрлари билан тасдиклаганларидан сунг кучга кирган хисобланади.

7.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб бир хил юридик кучга эга булиб хисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.

7.4. Шартнома муддатидан олдин кўйидаги холларда бекор килиниши мумкин

- томонларнинг келишувига мувофик

- Уз.Р. конунчилик хужжатларида назарда тутилган холларда.

8. Низоларни хал килиш

9.1. Тарафлар шартномада курсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Уз.Р. Фуқаро-лик кодекси ва Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугриси даги конуни хамда бошка конун хужжатлари асосида жавобгар буладилар.

9.2. Тарафлар уртасида келиб чиқадиган низолар узаро келишув асосида агар тарафлар келиша олмасалар низолар Уз.Р. Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугриси даги конунга ва Фуқаролик кодексига асоссан хужалик суди тартибида хал килинади.

9.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йули билан хал килинади келишиш имкони булмаганда эса Кашкадаре вилоят Иктисадий судида хал килинади.

9. Бошка шартлар

10.1 Мазкур шартноманинг киритиладиган барча узгартариш ва кушимчалар езма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

10. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

Ижрочи
Шахрисабз Телекоммуникация боғламаси
(ижрочининг номи)
Манзили Фуркат 1

тел/факс : 5220125/5220070
х/р: 20210000504074838334
Банк номи: Карши Алока Банк

МФО: 00401 СТИР: 203366731
ОКОНХ: 61100

Рахбар А.П. Зайнитдинов
(ФИ.И)



Буюртмачи
шахрисабз тумон 2-сон 2022
(бюджет маблағларини олувчи номи)
манзили шахрисабз тумон
шахроғи
тел/факс 5233424
ш/х* 100021860102457092300075006
х/в** 23402000300100001010
СТИР 202441670


Газначилик булинмаси номи Уз.р. рес. гевиб 8
воздушни Газногенни
Газна х/в
Банк номи Таш. шах. мор. бонч. 55хккн
МФО 00014
Газначилик булинмаси СТИРИ 201122918



Юридик хулоса:

«Узбектелефон» АКнинг Кашкадарё филиали хамда шахрисабз 2-сон 2022 ташкилоти уртасида жами: 60000 суммасида тутилган алока хизмати курсатиш буйича 2022 йил «10 01» даги тузилган шартнома Узбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугриси» даги Конун ва Фуқаролик кодексига талаблари асосида тутилган.

-Шартнома талаблари Узбекистон Республикасининг амалдаги конунларига жавоб беради.
-Шартнома мажбуриятлари бузилихолатлари буйича жавобгарлик ва низоларни хал этиш чоралари амалдаги конун хужжатлари талабларига жавоб беради. «Узбектелефон» АКнинг Кашкадарё филиали Хуқуқшунос: _____



2022 й. 10. 01.
№ 26634 сонли шартномага илова

Шахрисабз Телекоммуникация бөгламаси томонидан 2022 йил
давомида курсатиладиган

АЛОКА ХИЗМАТИ

Ойлар	Улчов бирлиги	Телефон		
		Точкалар сони	Нархи	Сумма
Январь	дона	1	20000	20000
Февраль	дона	1	20000	20000
Март	дона	1	20000	20000
Жами	дона	1	20000	60000.
Апрель	дона			
Май	дона			
Июнь	дона			
Жами	дона			
Июль	дона			
Август	дона			
Сентябрь	дона			
Жами	дона			
Октябрь	дона			
Ноябрь	дона			
Декабрь	дона			
Жами	дона			
Хаммаси	дона			



ГАММОНЧИ
Шахрисабз Телекоммуникация

бөгламаси

BOGLAMASI

11. 10. 2022



Истемолчи

Шахрисабз Гумон 2-сөн

Дарсан
Санжар